
ФАРҒОНАДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИГА СУРДОТАРЖИМОНЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Фарғона шаҳар давлат хизматлари марказида эшитиш ва гапиришда нуқсони бўлган фуқаролар учун давлат хизматларини кўрсатишда ўзига хос ечим топилди. Яъни сурдотаржимон шартнома асосида ишга ёлланган бўлиб, марказга келувчи бу каби фуқаролар махсус планшет орқали таржимонга видеоалоқа орқали боғлаб берилляпти.

- Ўртача бир ойда 10 га яқин гапириш ва эшитишда нуқсони бор фуқаролар марказга давлат хизматларидан фойдаланиш учун ташриф буюради, - дейди Фарғона шаҳар ДХМ бўлим бошлиғи Зоҳиджон Ақромов. - Тўғриси, авваллари улар билан расмий муомалага киришишда муаммоларга учраганмиз. Видеоқўнғироқ орқали мутахассис орқали улар билан гаплашиш имконияти яратилганидан сўнг ана шундай муаммоларга барҳам берилди.

Яратилган имкониятлардан хабардор қилиш мақсадида эшитиш ва гапиришда нуқсони бор ёшлар таклиф этилиб, улар учун давлат хизматлари марказида кичик саёҳат ташкил этилди. Сурдо-педагог ходим ёрдамида ногиронлиги бор шахсларга яратилган шароитлар, фуқаролар ва тадбиркорлар учун имкониятлар, навбат олиш, инфоленд, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, хизмат олиш заллари ҳақида батафсил тушунтирилди.

Маълумки, эшитиш ва гапиришда нуқсони бор фуқаролар ахборотга бўлган эҳтиёжларининг 90 фоизини кўриш орқали қондиради. Шунинг учун бу каби шахсларнинг давлат хизматларини онлайн олишга ўргатиш эса айни муддао. Семинар-тренинг давомида mu.gov.uz порталидан қандай фойдаланиш тартиб таомиллари амалий тарзда тушунтириб берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-25 16:19:56